

Qishloq hayoti

2009 йили

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

Қишлоқ ҳаёти

ISSN 2010-7021

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2009 YIL 16 OKTYABR, JUMA, 121 (7582) - son

1974 yil 1 yanvardan chiqqan bo'lgan Bahosi kelishilgan narxda.



Тайёрлов корхонасига 22 минг 756 тонна пахта етказиб берган Пахтабод тумани пахтакорлари мавсум бошидан буён вилоятда карвонбошлик қилиб келишмоқда. Ҳозиргача мавсум ерининг ҳар гектаридан 33,9 центнердан ҳосил олинди. Йиғиб-териб олинган ҳосилнинг сифати юқорилиги бойс тармоқдан 12 миллиард 143,6 миллион сўм даромад олиниши кутилмоқда.



Тадбиркорликни бошлаш ёки кенгайтиришни мақсад қилган киши ишни нимадан бошлайди? Дейлик, лойиҳа тайёр, у амалга оширилса, даромад бўлиши аниқ ҳисоб-китоб қилинган. Демакки, иш маблагга бориб тақалади. Мана шундай жараёнда банкнинг молиявий мадади зарур.



Ўлкамизда куз. Кундузлари илиқ, кечқурунлари анча салқин бўляпти. Ҳавонинг авзойига қараб гоҳ иссиқ, гоҳ энгил кийинамиз. Натижада арзимаган елвизак туфайли қаттиқ шамоллаб қолишимиз эҳтимолдан йироқ эмас.

ЎЗБЕК ТОЛАСИГА ЖАҲОН ХАРИДОР

Пойтахтимизда 14-15 октябрь кунлари V Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси бўлиб ўтди

Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган ушбу аънанавий тадбир Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан "Ўзпахтасаноат" уюшмаси, "Сифат" Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази ҳамкорлигида ўтказилди.



Ярмарканинг очилиш маросимида таъкидланганидек, Ўзбекистон юқори сифатли пахта етиштириш, уни кафолатли таразда етказиб берадиган мамлакат сифатида жаҳон тола бозори иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотмоқда. Бунинг асосий омил эса Президентимиз раҳнамолигида пахта тайёрлаш ва

қайта ишлаш тизимининг такомиллаштирилишидир. Бу эса ўз навбатида экспорт қилинаётган тола сифатини ошириш имконини бериб, жаҳон пахта бозорига Ўзбекистоннинг мавқеини юксалтирмоқда. Жаҳонда давом этаётган молиявий-иқтисодий инқироз пайтида мамлакатимиз иқтисодиётининг

барқарор ривожланишида бунинг аҳамияти катта. Меълуумки, пахта қайта ишлаш саноати мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим аҳамиятга эга. Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар, тармоқларни модернизациялаш, техник ва технология қайта жиҳозлаш жараёни ўз нати-

жаларини бераётир. Пахтачиликда туб ўзгаришлар ясалаяпти. Хусусан, ерининг ўз эгасига берилиши, истиқболли навларни яратиш, тулроқ ва иқлим шароитига мос равишда жойлаштириш, зарур агротехник тадбирлар асосида ҳосилдорлик оширилмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

Халқаро валюта жамғармасининг (ХВЖ) Мег Ландсейгер, Аге Баккер, Амбуаз Файоль, Хэ Цзянь Сюн, Томас Мозер ва Клаус Д.Штайндан иборат ижрочи директорлари миссияси 2009 йил 14 октябрда Тошкентда Ўзбекистонга амалга оширилган ташрифи якунлари бўйича қуйидаги баёнотни берди:

ХАЛҚАРО ВАЛЮТА ЖАМҒАРМАСИ ИЖРОЧИ ДИРЕКТОРЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИ ЯКУНЛАРИ БЎЙИЧА БАЁНОТИ

"Биз Ўзбекистонга ташриф учун имконият яратилганидан мамнунмиз, Ўзбекистон халқи, ҳукумати ва Марказий банкига самимий қабул ҳамда самарали учрашувлар учун ўз миннатдорлигимизни изҳор этамиз. Ташриф давомида биз кўплаб манфаатдор томонлар, жумладан, даромадчилик ва хусусий сектор вакиллари билан учрашиш, шунингдек, Самарқанд ҳамда Бухоро шаҳарларини зиёрат қилиш имконига эга бўлдик. Ушбу ташриф Халқаро валюта жамғармасининг Ижрочи кенгашида мамлакат оддида турган муаммоларни баҳолаш ва муҳокама қилишда хабардорликни оширишга кўмаклашди. Халқаро валюта жамғармасининг иқтисодий сиёсат масалалари бўйича

тавсиялари мазкур муаммолар ечимига қаратилгандир. Ўзбекистон ҳукумати жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида иқтисодий ўсишни таъминлаш учун зарур бўлган кўплаб ресурсларни жамлаган ҳолда жаҳон молия бозорларида оқилона сиёсат олиб борди. Бундай пухта ўйланган сиёсат мамлакатнинг глобал иқтисодий инқироз таъсирига самарали қарши тура олишида муҳим омил бўлди. Жаҳон инқирозининг Ўзбекистонда экспортни камайитириш шаклида намоён бўлган ички иқтисодий оқибатларини назорат қилиш ва инфляцияни жойлаш ва яқин вақт ичида мамлакат иқтисодий сиёсатининг асосий вазифалари бўлиб қолади. Ҳукумат ички бозор-

даги талабни рағбатлантиришга қаратилган кенг қўламли чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқди ва биз уни маъқуллаймиз. Ўзбекистон — улкан иқтисодий салоҳиятга эга мамлакат. Бу салоҳиятни мустақкам асосга эга бўлган юксак иқтисодий ўсиш суръатларини давом эттириш учун янада кенгроқ ишга солиш лозим. Мамлакат иқтисодий салоҳиятидан аҳоли турмуш даражасини янада юксалтириш учун фойдаланиш иқтисодий сиёсатининг ўрта мuddатга мўлжалланган асосий вазифаси ҳисобланади. Биз Халқаро валюта жамғармаси ва Ўзбекистон ҳукумати ўртасида қарор топган самарали ҳамкорликни давом эттиришни қўллаб-қувватлаймиз".

Куннинг муҳим воқеалари

Пойтахтимизда Республика Маънавий тарғибот маркази, "Ўзбекино" миллий агентлиги ҳамда Халқ таълими вазирлиги ҳамкорлигида болаларнинг маънавий камолотида мулътфильмларнинг ўрнига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

Нукус шаҳрида Ўзбекистон нодавлат ва но-тижорат ташкилотлари Миллий ассоциацияси ҳамда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХТ) лойиҳаларининг Ўзбекистондаги координатори томонидан хотин-қизлар саломатлигини муҳофаза қилишда давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамкорлиги бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

Наманган вилоятини "Наманган қоғози" масъулияти чекланган жамияти ташкил этилди. Ушбу корхонада ёзув, офсет ва энгил картон қоғозлари ишлаб чиқаришнинг шнов босқичи муваффақиятли якунланди, узуллик махсулот чиқарила бошлади.

"Соғлом авлод учун" халқаро хайрият жамғармасида Ўзбекистон Бадий академияси, Жанубий Корея маданият марказлари ассоциацияси ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати ҳамкорлигида расом Исхра Шиннинг расмлар кўргазмаси ташкил этилди.

"Tianjin Cotton Exchange Market" компанияси бош менежери Ю ЖУАН хоним (Хитой):
— Хар гал ушбу ярмаркага келганимизда, юртингизда пахтачилик жадал ривожланиб, соҳада амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар ўзининг юксак самараларини бераётганига гувоҳ бўламиз. Биз Ўзбекистонлик шерикларимиз билан анча йилдан буён самарали ҳамкорлик қилиб келамиз. Ўзбек пахтаси Хитой саноати талабларига тўлиқ жавоб беради. У юқори сифати, ўта оқлиги, пишиқлиги билан ажралиб туради. Шу боис Ўзбекистон пахтасининг жаҳон бозоридан мавқеи йил сайин ортиб бораётир.
Жаҳон пахта бозорига катта воқеага айланган ушбу ярмарка якунлари ҳамкорлигимиз янада ривожланишига ишончимизни мустаҳкамлади.

ЎЗА мухбирлари Тошкентда ўз ишини якунлаган V Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси иштирокчиларининг таассуротлари билан қизиқди.

СЎЗ — ЯРМАРКА ИШТИРОКЧИЛАРИГА

"DSV" компанияси вакили Эрхан ЭФЕ (Туркия):
— Юксак савияда ташкил этилган V Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси мамлакатингиз пахтачиликдаги сўнги ютуқлар, хомашини етиштириш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш жараёни билан яқиндан танишиш имконини берганидан мамнунмиз. Анқуманда, шунингдек, жаҳон пахтачилигидаги ўзгаришлар, янги аънава ва тенденциялар юзасидан фикр алмашдик.
Ярмарка доирасида Янгийўл пахтани қайта ишлаш заводи, "Тошкент-Тола" пахта терминали, "Муруват-текс" тўқимачилик кор-

хонаси ва "Пластикс" йигирув фабрикаси фаолияти билан ҳам танишиб, Ўзбекистонда нафақат пахтачилик, балки тўқимачилик саноати ҳам изчил ривожланаётганини гувоҳи бўлдик.
Шуни ишон билан айта оламизки, Ўзбекистон пахтаси дунёдаги энг сара ва аъло сифатли пахталардандир. Бу — жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилган ҳақиқат. Шу боис у гоят харидордир.
"Zuras Global FZC" компанияси директори Рауф Аҳмад ШОҲ (Покистон):
— Мазкур ярмаркада ўзбек пахтасининг ўзимиз учун зарур нав-

ларини танаб олдик. Ярмарка Ўзбекистон пахта толасини тўғридан-тўғри ва бевосита сотиб олиш учун жуда қулай имкониятдир. Компаниямиз беш минг тонналик пахта хариди бўйича шартнома имзолашга муваффақ бўлди.
Мазкур ярмарка жаҳон пахта бизнесини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўлиши шубҳасиз. Келгусида ҳамкорликни давом эттириш ниятидамыз.
"Tirotex" компанияси бош менежери Иван МАШНИК (Молдова):
— Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркасида мунтазам иштирок этиб келамиз. Компаниямиз тўқимачи-

ликка ихтисослашган — сифатли пахта толасига эҳтиёжмиз катта. Ўзбекистон пахтаси сифат жиҳатдан жаҳонда энг юқори ўринлардан бирида туради. Сўнги йилларда ўзбек пахта толасининг сертификация даражаси сезиларли равишда ошди. Мунтазам ўтказиб келинаётган халқаро экспортга натижаларни бунинг далилидир.
Жаҳонда давом этаётган глобал иқтисодий инқирозга қарамай, ярмарка иштирокчилар сонининг йил сайин ортаётгани заминингизда етиштирилаётган пахтага талаб торабора ошиб бораётганидан ҳалоландир. Бу галги ярмаркада ўн минг тоннадан зиёд пахта сотиб

олиш бўйича шартнома имзоладик. "Sinotrans Landbridge Transpotation" компанияси бош менежери Жин Тонг ФУ хоним (Хитой):
— Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси юксак савияда ташкил этилгани билан ажралиб туради. Компаниямиз пахтани етказиб бериш билан шуғулланади. Сифати халқаро талабларга тўла жавоб бергани боис Хитойда ўзбек пахта-тасига талаб гоят катта.
Дунёнинг кўплаб мамлакатларидан вакиллар қатнашган мазкур ярмарка нафақат пахтачилик саноатини ривожлантириш ва фойдали муносабатларни кенг йўлга қўйишга, балки халқлар ўртасидаги ўзаро дўстлик ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.
ЎЗА мухбирлари Ирода УМАРОВА, Мадина УМАРОВА ёзиб олди.



ЭЗГУ ИШЛАРИНИНГ УЗВИЙ ДАВОМИ

Мамлакатимиз ҳудудларида қишлоқ аҳолиси учун яқка тартибдаги уй-жойларнинг лойиҳалари ва қурилиш материалларининг ихтисослаштирилган кўргазмаси ўтказилади

ний, тиббий ва маиший хизмат кўрсатиш иншоотлари пухта ишлаб чиқилган бош режа, замонавий меъморчилик лойиҳалари асосида қурилмоқда.
Давлатимиз раҳбарининг бу йўналишдаги қатор қарорларида белгиланган вазифалар изчил амалга оширилмоқда. Президентимизнинг 2009 йил 29 январьда қабул қилинган уй-жой фондиди фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича пудрат ишларини кенгайтиришни рағбатланти-

ришга доир қўшимча чора-тадбирларга оид қарори меъморий режалаштириш ҳолда қурилиш ташкил этишни такомиллаштириш ҳисобига уй-жой фондиди фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида мукамал таъмирлаш, реконструкция қилиш ва қуриш бўйича пудрат ишларини кенгайтиришга муҳим омил бўлаётир.
Мазкур ҳужжатга мувофиқ, жорий йилнинг биринчи ярмида уй-жой фонди объектларини фойдаланишга тайёр ҳолда топши-

риш шартларида режалаштириш, безаш, қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишларини амалга оширувчи тўрт юздан ортиқ ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш ташкилоти ташкил этилди.
Қишлоқлар қиёфасини ва қишлоқ аҳолисининг уй-жой шароитини сифат жиҳатдан яхшилаш, қишлоқ жойларда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантириш, уй-жой қурилишида узоқ мuddатли кредитлаш тизимини кенг жорий этиш мақсадида ташкил этилган

Матбуот кунлари

Муштарийлар билан самимий суҳбатлар

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ислохотлар мазмун моҳиятини кенг оммага етказиш, аҳолининг муҳим воқеалари, ахборотлар билан таништириб боришда матбуот нашрларининг алоҳида ўрни бор.
Албатта, газета ва журналларда чоп этилаётган мақолаларнинг, аввало қизиқarli, маъмуний, мулоҳазали бўлиши муштарийлар сонининг ортиб боришини таъминлайди.
Шу кунларда Республикаимиз бўйлаб матбуот нашрларининг 2010 йил учун обунасини уюшқоқлик билан ташкил этиш мақсадида "Матбуот кунлари" ўтказилмоқда. Мазкур тадбирлар давомида тахриратлар вакиллари жойларда бўлишиб, муштарийлар билан юзма-юз мулоқотларда иштирок этаётир.
Кўни кеча Қорқалпоғистон Республикасининг Кегейли туманининг бир қатор фермер хўжалиқларида, таълим масканларида "Qishloq hayoti" газетаси ижодкорлари билан учрашувлар ўтказилди. Фермер хўжалиги аъзолари, хашарчилар, қишлоқ одамлари билан бўлган самимий суҳбатлар тадбирларнинг мароқли ўтишини таъминлади.
Муштарийлар билан бўладиган шундай учрашувлар суҳбатлар ҳудудининг бошқа жойларида ҳам давом эттирилади.

Давуд АБИУЛЛАЕВ, "Qishloq hayoti" мухбири

Қорқалпоғистон Республикаси
ОБУНА - 2010
БИЗНИНГ НАШР ИНДЕКСЛАРИМИЗ:
"Qishloq hayoti" ва "Hayot" биргаликда — 144
"Hayot" — 145

Qishloq hayoti
Қишлоқ ҳаёти

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ерғодезқадастр", Табиати муҳофаза қилиш Давлат қўмиталари, "Ўздонмахсулот", "Ўзкимёсаноат", "Ўзгроосуғурта", "Ўзвиносаноат-ҳолдинг", "Ўзбекенгилсаноат", "Ўзқишлоқхўжалиқмашинизинг" компаниялари, "Ўзпахтасаноат", "Ег-мой ва озик-овқат саноати", Ўзбекистон фермер хўжалиқлари, "Ўзгрозмашсервис", "Ўзғўштсутсаноат" уюшмалари, "Агробанк", "Қишлоқ қурилиш банк", Халқ банки, "Гидрометеорология" бош бошқармаси, Агросаноат ҳодимлари касба уюшмаси Марказий кенгаши, "Ўздавдонинспекция", "Сифат" маркази

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекс таркибидagi ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар —

ЎЗБЕК ТОЛАСИГА ЖАҲОН ХАРИДОР

(Боши 1-саҳифада)

Пахта толасини халқаро стандартларга мувофиқ сертификатлашнинг янги тизими жорий этилди. Пахта сотишнинг замонавий инфратузилмаси барча хизмат турларига эга, толани оморларда сифатли сақлаш ва ташиниш таъминлайдиган терминаллар барпо этилди.

Бу эса Ўзбек толасининг харидорлари кўпайиб боришига омил бўлаётди. Анъанавий пахта ярмаркаси иштирокчиларининг йил сайин ошиб бораётганини фикримизнинг исботидир.

Ҳитойнинг “China National Cotton Exchange” компанияси бош директорининг ўринбосари Сан ЖУАН хонимнинг таъкидлашича, **Ўзбек пахтасининг толаси сифат жиҳатида Хитой саноати талабларига тўла жавоб беради.** Шунингдек, пахта толасининг халқаро андозлар асосида сертификатланиши унинг харидорлигини таъминламоқда.

Компаниямиздаги корхоналар тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаради, — дейди Эронинг “Nikoo Group” компанияси савдо менежери Муҳаммад ПАНОҲИЙ. — **Ўзбек пахтасининг гомат сифатлиги боис маҳсулотлар ишлаб чиқаришда улардан фойдаланялмиз. Уйлаймизки, ҳамкорлигимиз янада мустаҳкамланади, негаки бунинг учун бизга барча шароитлар яратилган.**

та толаси намуналари билан танишидилар, танладилар ва харидор бўлдилар.

— **Журналимиз дунёнинг барча мамлакатларида ишлаб чиқарилаётган пахта толаси мониторингини олиб боради,** — дейди “Colton Outlook” халқаро агентлиги бош муҳаррири Рей БАТЛЕР. — **Ўзқазилган мониторинг натижаларига қўйиб айтиш мумкинки, Ўзбек пахтасининг сифат ва харидорлиги ошиб бормоқда.**

Хитойнинг “China National Cotton Exchange” компанияси бош директорининг ўринбосари Сан ЖУАН хонимнинг таъкидлашича, **Ўзбек пахтасининг толаси сифат жиҳатида Хитой саноати талабларига тўла жавоб беради.** Шунингдек, пахта толасининг халқаро андозлар асосида сертификатланиши унинг харидорлигини таъминламоқда.

Компаниямиздаги корхоналар тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаради, — дейди Эронинг “Nikoo Group” компанияси савдо менежери Муҳаммад ПАНОҲИЙ.

— **Ўзбек пахтасининг гомат сифатлиги боис маҳсулотлар ишлаб чиқаришда улардан фойдаланялмиз. Уйлаймизки, ҳамкорлигимиз янада мустаҳкамланади, негаки бунинг учун бизга барча шароитлар яратилган.**



Ярмарка иштирокчилари эътирофчи, пахтани қайта ишлаш ва сотишгача бўлган жараёни такомиллаштириш харидорлар сонининг ўсишини таъминламоқда. Икки кун давом этган тадбир давомида иштирокчилар соҳада амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишидилар. Янгийул пахтани қайта ишлаш заводида бўлиб ўтган танишув жараёнида ўрнатилган йилга технологиялар, соҳага таъбиқ этилган янгилар, толани тойлаб, сертификатлаш тизими ҳақида батафсил маълумотлар олинди.

— **Корхонамиз янги ва такомиллашган технологиялар билан жиҳозланган,** — дейди корхона директори Карим ҚОЗОҚБЕКОВ. — **Тозаланган, қурилган, тойланган тола намуналари “Сифат” марказининг лабораториясида таҳлил қилиниб, сертификатланади. Иш жараёнидаги қулайлик, корхонада амалга оширилган модернизация иш сифатига кафолат бўлмоқда.**

“Тошкент тола” терминали мамлакатимиз бўйича тола йўли ҳисобланадиган 23 терминалдан биридир. Бу ерда толани сақлаш, етказиб бериш жараёни амалга оширилади. Истеъмолчиларга толани етказиб бериш тизими яратилган. Транспорти инфратузилмаси, кенг тarmoқли йўналишлардан иборат лoгистика тизими йўлга қўйилган. Бу эса,

ўз навбатида, истеъмолчиларга мамлакатимиз томонидан яратиб берилаётган шароитларнинг бир қўринишидир. Шунингдек, иштирокчилар Янгийул туманидаги “PLASTEKS” ҳамда пойтахтимиздаги “Муруват-текс” корхонасида тўқимачилик фаолияти билан танишидилар. Валюта майдончасида электрон биржа савдолари тизимидан фойдаланган ҳолда, пахта толаси сотиладиган Ўзбекистон Республикаси Товар-хoшмбў биржасининг қўргазмали савдо сессияларида иштирок этилдилар.

Ўзаро манфаатли ҳамкорликка асосланган анъанавий пахта ярмаркаси мамлакатимиз иқтисодидеги барқарорлашуви, Ўзбек пахтасининг шуҳрати янада ўйилишига хизмат қилмоқда. Ярмарка жаҳон пахта бозорига Ўзбекистоннинг давлатимиз мустаҳкамлаб, пахта бизнесида етакчи давлатлардан бири эканигини тасдиқлади. Маҳаллий ва хорижий компаниялар ўртасида ўрнатилган ҳамкорликни янада юқори босқичга кўтаришга, янги ҳамкорлар топишга мўҳим аҳамият касб этди. V Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси муваффақиятли якунланди. Ярмарка якуни бўйича бир миллион тоннадан зиёд пахта толасини сотиш бўйича шартнома ва битимлар имзоланди.

Анвар ҚУЛМУРОДОВ, “Qishloq hayoti” мухбири.



YETTI QOLIMDAN BIR SHINGIL

ЖАНГАРИЛАР БИЛАН КЕЛИШУВ ФОШ БҮЛДИ

Айни кунда Италия ҳукумати расмийлари халқаро миқёсда авж олиши кутилаётган моҳароли вазиятдан муносиб равишда чиқиш ҳақида бош қотиришмоқда.

The Times газетасининг сўнгги сонида Италия ҳукумати ва харбийлари омураи анача-мунча путур етказиши мумкин бўлган маълумотлар берилди. Маълум бўлишича, НАТО тарихида Афғонистондаги харбий амалиётларда қатнашган Италия харбий кўмондонлиги маълумоти мунтазам равишда “Толубон” жангариларига қатта миқдорда бадал тўлаб келишган экан. Бадал эвазига толубонлар италиялик харбийлар қўриқлаётган худудларда тинчлик ва осейишталликка раҳна солишмаган. Шу тарихда харбий амалдорлар ва жангарилар раҳнамолари ўртасида “Сиздан угина, биздан бугина” қабилда норасмий битим тузилган. Худди шундай худудлардан бири Сариб шаҳри ва унинг атрофи 2008 йил ўрталарига, яъни италиялик харбийлар бошқа худудга қўчирилиб, уларнинг ўрнини НАТОга аэзо мамлакатлардан яна бири — Франция армияси вакиллари эгаллаганича нисбатан тинч-осууда жой ҳисобланган. Бу ердаги ўзига хос шарт-шароитдан беҳабар бўлган француз харбийлари тўсатдан авж олган кўпурвечилликлардан асанкираб қолишган ва қатта талофат кўришган. 2008 йилнинг биргина август ойида толубонлар билан тўқнашуларда 10 нафар француз аскари ҳалок бўлган.

Бу воқеалар тафсилотлари жамоатчилик эътиборига тушган, Италия ҳукумати халқаро ҳамжамият олдига жуда нуқулай вазиятда қолди.

СИЁСАТ САБАБИ ОИЛА БУЗИЛДИ

Эрон президентининг маданият ва оммавий ахборот воситалари билан ишлаш бoрасида маслаҳатчиси бўлган Мадхи Калхорнинг қизи Наржис Калхор сиёсий бошпака сўраб Германия ҳукуматига мувожабат қилди.

У Нюрнберг шаҳрида бўлиб ўтган инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларига бағишланган халқаро фестивалда иштирок этган, сиёсий бошпака олиш учун керакли ҳужжатларни расмийлаштирган. Фестивалда Наржис Калхор ўзи сўраган инсон ҳаёти содир этганлигида гумон қилинаётган шахсларни қўйиш ва жисмоний азoб бeриш қораланган ҳужжатли фильм билан қатнашди. Наржис сиёсий бошпака сўраш ҳақидаги режаларидан отаси беҳабар бўлганини таъкидламоқда.

Уз ўрнида Мадхи Калхор қизининг Нюрнбергга жўнаб кетганидан ва келгуси режаларидан мутолақа хабарисиз бўлганини айтиб интервью берди. Унинг таъкидлашича, бир йилдан бўён Наржис ва унинг онаси билан муносабатлари узилган. Сиёсий масалаларда нуқтани назардан тurlица бўлгани важдан маслаҳатчи оиласини тарк этган экан.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

ҚЎШМА КОРХОНА ҚУВВАТИ ИККИ БАРАВАР ОШАДИ

Маҳсулотнинг 90 фоизи эса экспорт қилинмоқда

“Шиндонг спининг Термиз” Ўзбекистон-Жанубий Корея қўшма корхонасида жорий йилнинг ўтган ойлари мобайнида минг тонна олава ип ишлаб чиқарилди. Шунинг 90 фоизи, яъни бир миллион тўрт ўз эллик минг АҚШ доллари миқдоридagi маҳсулот хорижга экспорт қилинди.

Қўшма корхона 2008 йилнинг декабрь ойида ташкил этилган бўлиб, хорижий ҳамкорлар томонидан инвестиция киритилди. Жанубий Кореядан келган етакчи мутахассислар ўзбек муҳандис-техник ходимлари билан ҳамкорликда иш бошлашди. 240 нафар киши иктимой фойдали меҳнатта тортиди. Шунинг 12 нафари муҳандис-техник ходимлардир.

— 2010 йилнинг биринчи чораги охиридан бошлаб тўла қувват билан ишлаймиз, — дея гап бошлади қўшма корхона бош дирек-

тори Александр Ян. — Сажкиз миллиард 200 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади. Шунинг асосий қисми хорижга жўнатилади. Қўшмачи 70 ишчи ўрни яратилади. 60 ўринли ётоқхона ишга тушади. Айни пайтда корхонада тайёр газламалар ишлаб чиқаришга ҳам ҳозирлик қўрилимоқда. Бунинг учун жиҳозлар келтирилган. Иккинчи фабрика ишга тушган, янгидан 150 киши ишга қабул қилинади. Маҳсулот ҳамми ҳам икки хиссага ортади. Экспорт салоҳияти ҳам ана шунчага ошади. Жанубий Корея, Хитой, Россия ва Европанинг бошқа ривожланган мамлакатларига маҳсулотларимизни етказиб берамиз.

Қўшма корхонада йил охирига яна минг тонна маҳсулот ишлаб чиқарилиб, унинг 90 фоизи хорижийлик ҳамкорларга етказиб берилади.

Хусан ТЕМИРОВ, “Qishloq hayoti” мухбири.

30 терм кунда тайёрлов корхонасига 22 минг 756 тонна пахта етказиб берган Пахтабод тумани пахтакорларни мавсум бошидан бўён вилоятда қарвонбошлиқ қилиб келишмоқда. Ҳозиргача мавжуд ернинг ҳар гектаридан 33,9 центнердан ҳосил олинди. Йиғиб-териб олинган ҳосилнинг сифати юқорилиги боис тармоқдан 12 миллиард 143,6 миллион сўм даромад олиниши кўтилмоқда.

— Аграр соҳадаги ислохотлар йилдан-йилга кенгайиб бораётди, — дейди Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими, “Авангард” фермер хўжалиги раҳбари Абдувоҳид Ҳабибуллаев. — Кимки меҳнатга меҳр қўйса, ёнида бирга ишлайётганларга эътиборли бўлса, нуомид қолмайпти. Пилламинз тош босди. Фалла хирмонимиз янада салмоқлироқ бўлди. 20 гектар майдонда гўзанинг “С-6524” нави-ни парвариш қилдик. Ишловини ҳеч қачон ортга сурмадик. Қилган меҳнатларимиз бесамар кетмади. Ҳозиргача ҳар гектар ердан 36,6 центнердан ҳосил йиғиб-териб олдик. Ҳосилнинг барчаси биринчи навга ўтди. Ўзимча даромадни ҳисобласам, гектарига ўртача 1 миллион 800 минг сўмга тўғри келяпти. Якунгача ҳосилдорликни 40 центнерданга етказасан, ушбу кўрсаткич 2 миллион сўмга бoрар экан.

Ер билан тиллаша олиш бoрасида ўзига хос мактаб яратган Абдувоҳид Ҳабибуллаев билан сўхбатга киришар эканмиз, у жорий йилда юз берган қийинчиликлар ҳақида бирор марта ҳам сўз юртим. Бу йилги деҳқончилик оғир кечди. Егин-сочининг хатто ёз чилласида ҳам давом этиши кўпдан-кўп қийинчиликларни келтирди. Уша оғирчилики энга ол-

ЭЗГУ ИШЛАРНИНГ УЗВИЙ ДАВОМИ

(Боши 1-саҳифада)

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 19 июнда қабул қилинган «Деворбоқ материаллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантириш ва сифатини яхшилаш бoрасидаги қўшимча чоратadbирлар тўғрисида»ги қарори юртимизда деворбоқ материаллар ишлаб чиқарувчи янги корхоналарни барпо этиш, мавжудларини модернизация қилишда кенг имкониятлар яратди. Бунинг самарасида ишлаб чиқариш сарф-харажатларини камайтириш, маҳсулот нархининг арзонлашишига эришилади. Корхоналарда замонавий энергия тежасидан технологияларни таъбиқ қилиш ҳисобига сифатли гишт ишлаб чиқариш ҳажмининг кўпайиши қишлоқ жойларда иморат қураётган аҳолининг талаб-эҳтиёжини янада тўлароқ қондиришга хизмат қилаётди.

«Қишлоқ тараққидеги ва фаровонлиги йили» Давлат дастурида қишлоқларда барпо этиладиган уй-жойлар учун қурилиш материаллари ишлаб чиқаришини кўпайтириш, янги технологияларни олиб кириш бўйича аниқ вазифалар белгиланган. Қурилиш хошмбўси ва материаллари турини кўпайтириш, нархини арзонлаштириш учун жойларда цемент, оҳақ, гипс, черепица, пишиқ гишт ва бошқа қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган янги корхоналар фойдаланишга топширилмоқда. Қурилиш материалларини аҳолига арзон нарҳларда сотиш учун фирма дўконлари ва уларнинг филиаллари фаолияти йўлга қўйилди.

Президентимизнинг 2009 йил 3 августда қабул қилинган «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши қўлимини кенгайтиришга оид қўшимча чоратadbирлар тўғрисида»ги қарори уй-жой шароитини яхшилаш ниятида булган фуқароларга қўшимча қулайликлар яратди, тасдиқланган намунавий лойиҳалар асосида қурилиш ишларини тез ва сифатли амалга ошириш механизми шакллантирилди. Мазкур қарорга мувофиқ, «Қишлоқ қурилиш банк-нинг «Қишлоқ қурилиш инвест» ихтисослаштирилган шўба инжиниринг компанияси ташкил этилди. Коракалпоғистон Республикаси ва вилоятларда унинг филиаллари фаолияти йўлга қўйилди.

Компания қишлоқ жойларда уй-жой бозорини маркетинг жиҳатдан ўрганиш ва шу асосда қуриш массивларини, барпо этиладиган уй-жойлар, ихтимойи соҳа объектлари ва муҳандислик инфратузилмаслари таркибини таллаб олиш бўйича таклифлар тайёрламоқда. Шунингдек, янги уй-жойларни фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида бюртмачи функциясини бажариш, молиялашни ташкил этиш ва қурилишнинг бoрасида устидан техник назорат ўрнатиш, банк томонидан берилган имтиёзли кредитлар ҳисобидан унзл-кесил ҳисоб-китоб қилиш асосида намунавий лойиҳалар бўйича қурил-

ган уй-жойларни аҳолига бeриш ҳам компания зиммасига юклатилган.

Жорий йилнинг 7-14 сентябрь кунлари пойтахтимизда бўлиб ўтган қишлоқ аҳолиси учун яқка тартибдаги уй-жойларнинг лойиҳалари ва қурилиш материалларининг ихтисослаштирилган қўргазмаси бу бoрадаги ишларни янги бoсқичга кўтаришда мўҳим омил бўлди.

Қўргазмада «Қишлоқ қурилиш лойиҳа» лойиҳа-қидирув институти, Коракалпоғистон Республикаси архитектура ва қурилиш қўмитаси, вилоятлар архитектура ва қурилиш бошқармалари томонидан архитектура ва дизайннинг энг илғор талаблари асосида ишлаб чиқилган қишлоқ аҳолиси учун яқка тартибдаги уй-жойларнинг намунавий лойиҳалари намойиш этилди.

Қўргазма иштирокчилари, шунингдек, «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки фаолияти, уй-жой қурилишида бюртмачи вазифасини бажарувчи «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси томонидан аҳолига кўрсатиладиган хизмат турлари, намунавий лойиҳалар асосида, маҳаллий қурилиш материалларидан фойдаланган ҳолда, ҳақиқий ўлчовларда қурилган ҳамда замонавий безак ва мебеллар билан жиҳозланган етти хил уйнинг намунаси билан ҳам танишидилар. Тадбирда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган замонавий қурилиш материаллари, уй-қўргазма буюмлари, энгил саноат маҳсулотлари, мебеллар, машиини техника ва қишлоқ хўжалиги усуналари жамоатчилик эътиборига ҳавола этилди.

Қўргазмада намойиш этилган лойиҳалар жорий йилда барпо этилади деб янада намунавий аҳоли пунктда таъбиқ этилмоқда. Яқка тартибдаги уй-жойларни кредитлаш манбалари аниқланган, замонавий қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи қўшимча қувватларнинг ишга туширилишига эса бунёдкорлик ишларини белгиланган муддатларда якунлаш имконини бeради.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан пухта ўйланган, пишиқ ишланган механизм яратилгани мамлакатимизнинг ҳар бир фуқаросига замон талабларига тўла жавоб бeрадиган уйлар барпо этиш имконини бeради. Эндиликда аҳолининг уй-жой қуриш учун алоҳида вақт сарфлашига, қурилиш материаллари ишлаб олиб-югуртишига ҳожат қолмади. Бюртмачи вазифасини бажарувчи «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси билан шартнома имзолашди, холос. Турар-жойлар танланган лойиҳа асосида қурилиб, «калити билан» топширилади. Сарф-харажатларнинг асосий қисми эса «Қишлоқ қурилиш банк» томонидан молиялаштирилиши қишлоқ аҳолисига булган гaмқўрликнинг яна бир намунаси.


Мамлакатимизда ҳаётида мўҳим воқеа булган ушбу ихтисослаштирилган қўргазма жамоатчиликда қатта қизиқтириш кўраб жойлаштирилиши боис ҳосилдорлик барқарор ортмоқда.

Дала ишларининг отряд усулида ташкил этилганлиги ҳам иш маромининг эътилобини таъминлаётди. Айниқса бу усул йиғим-теримда янада яққолроқ намoён бўлаётди. Бу мавсумда туманда 87 та йиғим-терим отряди ташкил этилди. Уларнинг сафига 16 минг 900 нафар теримчи бoрлашди. Хар бир отрядга ўртача 83 гектардан майдон тўғри келди. Бугунги кўнда хар бир отряд ўзига белгиланган миқдордаги пахтани териб берди. Бу масаланинг терим томони. Иккинчи томони эса фермерларнинг кузги дала ишларини ташкил этишга кенгроқ имконият яратиб берилди. Биринчи теримни ўтказган фермер навбат келгүна қадар даласига кузги бошқоқ экинларни экиб, суғориб бўлди. Энг мўҳими, йиғим-теримда шoшма-шoшарлик тўла барҳам тоғди.

«Олим Курбонoв» номили масисивда булганимизда “Сарвиноз-парвоз” фермер хўжалигининг раҳбари Бахтиёр Исмоилов ўтган йилнинг кузига ўтқазилган ер майдонларини мақбуллаштириш бoрасидаги ишлар ҳам ўзининг самарасини кўрсатганлиги ҳақида айтиб қолди. Туман миқёсида шундай иш тутилдики, ер-сув шароити кўра фаолиятини тўхтатган собиқ фермерларнинг бирортаси ҳам даладан ташқари ҳoлатда қолишмади. Аксинча, йириқлашган фермер хўжалигида ўз ишларини бирдек давом эттиришти. Пахтаободликларнинг бу йилги натижаларида ўзаро ҳамжihatлик ва аҳилликнинг ҳиссаси беқийёз десак, асло муболаға бўлмайд.

Кобилжон АСКАРОВ, “Qishloq hayoti” мухбири.

Андажон вилoяти



Теримда рағбатнинг ҳам ўз ўрни бор.



Ҳосил сифати ҳар доим эътиборда.



Ҳосил сифати ҳар доим эътиборда.

бу йилда биринчиликни қўлдан бeришмапти. Бу илгорликнинг сирини фермерлардан сўрасангиз, жавоб айтганли бир хил бўлади. Яъни хар ишда бамаахлахат ҳаракат муҳим. Тумандаги “Гулистон”, “Андажон”, “Намуна”, “Янги турмуш”, “Дўстлик”, “Маданият” масисивларида сув таъминоти ҳаммиша оғир кeчади. Сабаби, ушбу масисивларга сув қўшни мамлакатдан

олди. Банк Каримбердига ишонади. Чунки у ҳаммиша пахта ва галладан юқори ҳосил олиб, тўлов шартларининг ихтисосини ўз вақтида таъминлайди. Бу йил 39,3 гектар пахтазордан хoзиргача 130 тоннадан зиёд ҳосил тайёрланиб, унинг аскарияти юқори навага сотилди. Ҳамиша 40 центнердан зиёд ҳосил яратишга одатланган Каримберди Эгамовнинг далаларида бунга яраша пахта яратилган. Сўнгги йилларда пахтаободликлар галла ва гўза экинлари сув таъ-

Тадбиркорликни бошлаш ёки кенгайтиришни мақсад қилган киши ишни нимадан бошлайди? Дейлик, лойиҳа тайёр, у амалга оширилса, даромад бўлиши аниқ ҳисоб-китоб қилинган. Демакки, иш маблағга бориб тақалади. Мана шундай жараёнда банкнинг молиявий мадади зарур.

ЧЕККА ҲУДУДЛАРГАЧА МОЛИЯВИЙ РЕСУРС БИЛАН

Молия муассасаларида



«Микрокредитбанк»нинг Бухоро вилояти филиали жамоаси шундай тамойил билан меҳнат қилмоқда

Мамлакатимиздаги молия муассасалари томонидан ана шундай истиқболли лойиҳалар қўллаб-қувватланаптир. Натижада, аҳоли фаровонлигини таъминлаш, тараққиётга муносиб улуш қўшиш имконияти кенгаймоқда. Хусусан, «Микрокредитбанк» очик акциядорлик тижорат банкининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик, касаначилик сингари соҳаларни ривожлантиришга қаратилган эътибори, йўналтирилган сармоялари ҳисобига жойларда янги-янги ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш объектлари барпо этиляпти. Иш ўринлари яратилляпти. Келинг, фикримизни мазкур молия муассасасининг Бухоро вилояти филиалида амалга оширилаётган ишларда давом эттирамиз.

Когон туманилик Шахноза Рустомова тикувчилик цехи ташкил этишни мақсад қилганди. Унинг бизнес режасини ўрганган банк икки миллион сўм имтиёзли сармоя ажратди. Ушбу маблағ эвазига қишлоқда учта янги иш ўрни барпо этилди. Олинган даромад ҳисобига аса тадбиркор фаолиятини янада кенгайтириш имконига эга бўлди.

Бухоро шаҳридаги «Манхон сервис» хусусий корхонаси раҳбари Бахтиёр Қаюмов ҳам фаолиятини янада ривожлантиришда мана шу йўналишга эътибор қаратди. Унинг бу лойиҳаси банкка маъқул келиб, 56 миллион сўмга замонавий тикувчилик ускуналари микролизинг орқали олиб берилди. Бугун ана шу сармоя 15 кишини иш билан таъминлади. Корхонада тайёрланаётган бежирим кийим-бошлар харидорларини топмоқда. Шофирконлик Жобир Ниёзов эса саккиз миллион микрокредит эвазига паррандачиликни йўлга қўйди.

Албатта, бу оддий мисоллар, аммо уларга эътибор қаратишнинг лозим бўлган жиҳати шундаки, банк мадади билан нафақат фаолият ривожлантириш, балки янги иш ўринлари яратилляпти. Демакки, даромад, шунинг баробарида тараққиёт ва фаровонликни таъминланаяпти.

«Микрокредитбанк»нинг Бухоро вилояти филиалининг умумий фаолияти таҳлил этилганда, бу янада ёрқинроқ намоён бўлади. Жорий йилнинг ўтган даврида вилоятдаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган эътибор натижасида чекка қишлоқларга-ча банкнинг молиявий ресурслари кириб боришига эришилди. Сўз юритаётганимиз молия муассасасининг барча бўлимлари томонидан жами кредит қўйилмаси миқдори жорий йилнинг ўтган саккиз ойи давомида 33161,9 миллион сўмни, унинг 8,4 фоизи қисқа муддатли, 91,6 фоизини эса узок муддатли кредитлар ташкил этмоқда. Утган йилнинг шу даврига олиб қарайдиган бўлсак бу кўрсаткич 9429 миллион сўмга кўпайди.

Банк томонидан жорий йилнинг 9 ойи мобайнида 10 925 миллион сўмдан зиёд кредит ажратилди. Унинг 4386 миллион сўми саноат, 4 миллиард сўми қишлоқ хўжалигига, 451 миллион сўмдан зиёди қурилиш, 712 миллион сўми маиший хизмат ва сервис соҳасига йўналтирилди. Ушбу сармоялар эвазига 7 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилди. Утган даврда молия муассасаси томонидан 2749 миллион сўмдан зиёд микролизинг хизмати кўрсатилди.

Олиб борилаётган ишларда Президентимизнинг Фармон ва қарорлари муҳим дастуриламал ва-зифасини ўтаётди. Сервис соҳасини ривожлантириш,

аҳолига қулайлик яратиш баробарида янги иш ўринлари ташкил этиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шу боис мамлакатимизда мазкур соҳага алоҳида эътибор қаратилляпти. Шаҳар ҳамда қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш сифати яхшиланиб бормоқда. Банк томонидан Юртбошимизнинг 2007 йил 21 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасида 2010 йилга қадар хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш буйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида тижорат банкларига белгилаб берилган вазифалар асосида бир қатор тадбирлар бажариб келинаётди. Ми-жозларнинг талаб ва истаклари инобатга олиниб, уларнинг истиқболли лойиҳалари молиялаштирилмоқда.

Президентимизнинг 2007 йил 18 майдаги «Еш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир

тиёзли кредит ажратилди.

Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги «Озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги ҳамда 2009 йил 28 январдаги «Мамлакатимизда ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларини бажарилишига алоҳида эътибор қаратилляпти. Шу мақсадда 2531,3 миллион сўм кредитлар ажратилди. Шунингдек, ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш учун 1219,9 миллион сўм миқдорида сармоялар йўналтирилди.

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурида қишлоқда саноат ишлаб чиқаришини янада жадал ривожлантириш, мева-сабзавот ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича замонавий технологиялар билан жиҳозланган ихчам корхоналарни ташкил этиш, уларни молиявий қўллаб-қувватлаш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини сифат жиҳатдан яхшилаш муҳим вазифалардан эътибор белгиланган. Банк томонидан шу мақсадда ўтган даврда бир қатор амалий ишлар қилинди. Жумладан, иссиқхона хўжалиги учун 169 миллион сўм, мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш учун 197,5 миллион сўм ҳамда маиший хизмат ва сервис соҳасини ривожлантириш учун 415 миллион сўм кредит ажратилди. Миқдорларини шу соҳадаги истиқболли лойиҳаларини молиялаштириш давом эттирилмоқда.

«Микрокредитбанк» очик акциядорлик тижорат банкининг Бухоро вилояти филиали миқдорли ишончини қозониб, уларнинг ишончли ҳамкорига айланиб бормоқда. Миқдор бирон хайрли ишни бошлар экан, албатта банк мададини ҳисобга олади. Ана шундай мададнинг исботини қуйдаги рақамлар исбот этади: ўтган даврда банк томонидан 1705 миллион сўмдан зиёд сармоя миқдорларини айланма маблағларини тўлдириш учун ажратилган бўлса, 107 миллион сўмдан зиёд маблағ бошланғич сармояни шакллантиришга ажратилди. Бир сўз билан айтганда, ушбу молия муассасаси амалга ошираётган, маблағ йўналтирилган ишларнинг пировард мақсади мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланишига хизмат қилиш, аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилгандир. Яъни, банк сармоялари тадбиркорлик, бунёдкорлик ва тараққиётга хизмат қилмоқда.

«Микрокредитбанк» очик акциядорлик тижорат банкининг Бухоро вилояти филиали миқдорли ишончини қозониб, уларнинг ишончли ҳамкорига айланиб бормоқда. Миқдор бирон хайрли ишни бошлар экан, албатта банк мададини ҳисобга олади. Ана шундай мададнинг исботини қуйдаги рақамлар исбот этади: ўтган даврда банк томонидан 1705 миллион сўмдан зиёд сармоя миқдорларини айланма маблағларини тўлдириш учун ажратилган бўлса, 107 миллион сўмдан зиёд маблағ бошланғич сармояни шакллантиришга ажратилди. Бир сўз билан айтганда, ушбу молия муассасаси амалга ошираётган, маблағ йўналтирилган ишларнинг пировард мақсади мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланишига хизмат қилиш, аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилгандир. Яъни, банк сармоялари тадбиркорлик, бунёдкорлик ва тараққиётга хизмат қилмоқда.

Анвар ҚУЛМУРОВОВ,
«Qishloq hayoti» муҳбири.
Бухоро вилояти



Тадбиркорлик

Оққўрғон тумани тадбиркорларининг сазъ-ҳаракатлари билан аҳолига хизмат кўрсатиш кўлами торабга ошиб, сифати яхшиланиб бормоқда. «Суробшо ота» гузариди бу борода амалга оширилаётган ишлар эътиборга молик.

СУРАТДА: тадбиркор Дилноза Гуломова ва гузардаги новвойхона ходими Ботир Омонов.

Пардабой ЭРГАШЕВ олган сурат.
Тошкент вилояти

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!



«АСАКА» банки (ОАЖ)

Сизларга қуйидаги янги муддатли омонат турларини таклиф этади:



Миллий валютадаги омонатлар

«ЗИЁЛИ»

Сақланиш муддати – 6 ой, омонат бўйича йиллик 34 % гача ҳисобланади. Ҳисобланган фоизлар ўқиш тўловлари учун йўналтирилади (институт, университет)

«ТОШКЕНТ-2200»

Сақланиш муддати – 1 йил, омонат бўйича йиллик 29 % ҳисобланади.

«ИШОНЧЛИ»

Сақланиш муддати – 6 ой, омонат бўйича йиллик 27 % ҳисобланади. Ҳисобланган фоизлар омонат очилган куни берилади.

«СТУДЕНТЛАР УЧУН»

Сақланиш муддати – 4 йилгача, омонат бўйича йиллик 38 % гача ҳисобланади. Ҳисобланган фоизлар ўқиш тўловлари учун йўналтирилади (институт, университет)

Хорижий валютадаги омонатлар

«УНИВЕРСАЛ»

АҚШ доллариди
Сақланиш муддати – 6 ой, омонат бўйича йиллик 10 % ҳисобланади. Ҳисобланган фоизлар омонат очилган куни берилади.

Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

1. Тошкент шаҳри филиали	(371)	120-83-13
2. «Автотранспорт» филиали	(371)	120-39-95
3. Шайхонтохур филиали	(371)	140-39-36
4. Юнусобод филиали	(371)	225-16-46
5. Сирғали филиали	(371)	258-67-49
6. Тошкент вилояти филиали	(371)	120-84-13
7. Андижон вилояти филиали	(374)	224-40-96
8. Асака филиали	(374)	233-13-69
9. «Фарҳод» филиали	(374)	229-97-53
10. Фарғона вилояти филиали	(373)	224-70-83
11. Марғилон филиали	(373)	237-12-37
12. Олтиариқ филиали	(373)	432-10-11
13. Қўқон филиали	(373)	552-61-04
14. Наманган вилояти филиали	(369)	226-94-75
15. Навоий вилояти филиали	(436)	223-54-32
16. Зарафшон филиали	(436)	573-18-78
17. Бухоро вилояти филиали	(365)	223-71-94
18. Бухоро шаҳри филиали	(365)	770-11-27
19. Самарқанд вилояти филиали	(366)	231-08-86
20. «Афросиёб» филиали	(366)	234-17-96
21. Қашқадарё вилояти филиали	(375)	221-12-93
22. Сурхондарё вилояти филиали	(376)	770-82-12
23. Қорақалпоғистон филиали	(361)	223-72-47
24. Хоразм вилояти филиали	(362)	226-97-78
25. Сирдарё вилояти филиали	(367)	225-44-03
26. Жиззах вилояти филиали	(372)	226-43-11

Хизматлар лицензияланган.

БАРЧА ОМОНАТЛАР ФУҚАРОЛАРИНИНГ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНАДИ.

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
- миқдори чекланмаган.

Қадим тарихга мувожаат қилсак, дунёдаги шариф шаҳарларнинг бири бўлган Бухорога бани башариёт доимо интилан.

Таълим жараёни такомиллашди ва бир қатор янги мутахассисликлар жорий қилинди.

Бухоро давлат университети:

ХОРИЖДАГИ ҲАМКОРЛАР САФИ КЕНГАЙДИ



Университет олимлари фундаментал ва амалий инновация йўналишларидаги грандлардан четда эмас.

Таълим

кетган бебаҳо меросдан фахрланмиш ва уларга муносиб бўлиш ҳиссини шакллантириш асосий мақсадимиздир.



СПОРТ

ДАСТЛАБКИ ЧОРАК ФИНАЛЧИЛАР НОМИ МАЪЛУМ



Тошкентда "Challenger" турнирининг иккинчи двра яккалик баҳслари бўлиб ўтди.

КИШИ ТУРНИРИНИНГ КУТИЛМАГАН НАТИЖАСИ БУЛДИ.

ЯККАЛИК БАҲСЛАРИ ИККИНЧИ ДАВРА:

Маркос Багдатис (Кипр) — Евгений Кириллов (Россия) 6:3, 6:3.

Андрей Куманцов (Россия) — Тацума Ито (Япония) 7:6 (1), 7:6 (6).

ЖУФТЛИК БАҲСЛАРИ:

Рохан Боланна (Хиндистон), Йен Сун Лу (Тайпея) — Инго Сервантес Уегун, Гильермо Пласо (Испания) 6:3, 6:4.

Денис Истомин, Мурод Иноятлов (Ўзбекистон) — Михаил Ельгин, Евгений Кириллов (Россия) 6:3, 6:0.

Лукас Лацко (Словакия) — Мартин Клизан (Словакия), Юрий Шукун (Козогистон) 7:5, 6:7 (5), 13:11.

ЧЕМПИОНЛИКНИ НИШОНЛАШ КЕЙИНГА ҚОЛДИРИЛДИ

Ўзбекистон чемпионати олий лига жамоалари 9-10 октябрь кунлари чемпионатнинг навбатдаги 25-тур учрашувларини ўтказишди.



Қолдирилган 20-тур доирасидан ўрин олган чемпионатнинг марказий ўйини "Пахтакор" — "Бунёдкор" учрашуви 14 октябрь кунлари "Пахтакор" марказий стадионда бўлиб ўтди.

туғашидан бешта тур олдин чемпионлиқни нишонларди.

Оқибат

Китоб туманидаги Жайронхона қишлоғида бундан ўн икки йил олдин Нуъмонжон Розиков ва Дилфуза Жумановалар хонадонидан бир йўла уч эгизак — Ҳасан, Хусан, Зухра дунёга келган эди.

ЭГИЗАКЛАР МУЧАЛ ЁШИДА

Дилфуза опа қувончдан ўзини қўйга жой тополмай қолгани ўшанда. Бир эмас, икки эмас, бирдангина уч нафар фарзанд кўрди-я.

Асал қарахт шохига «пишад»ми?



Суратда қўриб турганингиз қарахт шохларига яшил кўйилган бирор мато ёки қанор қоп эмас.

ШАМОЛЛАШГА ҚАРШИ ТАБИИЙ ВОСИТАЛАР

Ўлкамизда қуз. Қундузлари илик, кечқурунлари анча салқин бўляпти. Ҳавонинг авзойига қараб гоҳ иссиқ, гоҳ энгил қишнамиз.

ичимлик содаси билан истеъмолад киши яхшироқ натижа беради.

ТАЪЛИМ

Тумов яхши даволанмаса, ноҳус асоратлар қолдириши мумкин.



МАННОН НАБИЕВ, ДОРИУСНОС

Бош муҳаррир Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР КЕНГАШИ Сайфиддин БИРОМОВ, Эркин КУДРАТОВ, Фарход ОМОНОВ, Раҳимбеги БУРИЕВ...

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Алғитай АДИЛОВ, Гофир АЛИЕВ, Тўлғабой ҚАРИМОВ, Шухрат ГАНИЕВ...

ТЕЛЕФОНЛАР: Кабулхона — 236-58-83, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 236-54-44...

Реклама ва эълонлар — 233-44-43, 775-04-73, 236-58-83, 233-28-04.